

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БҮЙРУК № 55 “ 21 ” “ 01 ” 2021 йил, Тошкент шаҳри

Кредит-модуль тизимини ўқув жараёнига жорий этишнинг ташкилий масалаларига тааллуқли ҳужжатларни амалиётга татбиқ этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорининг 3-бандида белгиланган топшириқларни амалга ошириш юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 15 январдаги 30-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 15 январдаги “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига тааллуқли ҳужжатлар намуналарини тасдиқлаш тўғрисида”ги 30-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Республика олий таълим кенгаши томонидан ишлаб чиқилган олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига тааллуқли ҳужжатлар 11 та иловада тасдиқланганлиги эътиборга олинсин.
- Ўқув ишлари бўйича проректор (Б.Кулматов) ва ўқув-услубий бошқарма бошлиғи (У.Яриев) га:
 - Вазирлар Маҳкамасининг 824-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида низом”ни амалиётга татбиқ этиш бўйича масъул ходимлар ва профессор-ўқитувчилар учун семинар-тренинглар ташкил этилсин.
- Барча факультет деканлари ва кафедра мудирларига:
 - Ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби юзасидан талабаларга тушунтириш тадбирлари амалга оширилсин.
- Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ректор

У.Азизов

Лойиҳа киритувчи:

У.Яриев _____

Келишилди:

Ўқув ишлари бўйича проректор

Б.Кулматов

Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи

П.Нишонов

Юрист _____ Ф.Мирзаев

